

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.16.03
РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАРАБАЕВ САНЖАР АБДУСАМАТОВИЧ

**АКЦИЯЛАР БОЗОР ҚИЙМАТИ ВА НАРХИ ЭКВИВАЛЕНТЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

УДК: 336.763(575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) in
Economical sciences**

Карабаев Санжар Абдусаматович

Акциялар бозор қиймати ва нархи эквивалентлигини

таъминлаш йўллари3

Карабаев Санжар Абдусаматович

Пути обеспечения эквивалентности рыночной стоимости и цены акций31

Karabaev Sanjar Abdusamatovich

Ways of providing equivalency of market value and cost of stocks59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....63

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.16.03**

**РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАРАБАЕВ САНЖАР АБДУСАМАТОВИЧ

**АКЦИЯЛАР БОЗОР ҚИЙМАТИ ВА НАРХИ ЭКВИВАЛЕНТЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Iqt959 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Нарбой Ганиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жумаев Нодир Хосиятович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Нуманова Барно Мухитдиновна
иқтисодиёт фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Ўзбекистон Республикаси Банк молия академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__»_____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй. тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdu@tdiu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). 100003, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй. тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdu@tdiu.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил «__»_____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__»_____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш.Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., профессор

У.В.Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, и.ф.д., профессор

Н.Х.Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида фонд бозорининг асосий бўғини ҳисобланган акциядорлик жамиятларини ривожлантириш, замонавий бозор инструментларидан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда бир қатор давлатларда акциядорлик жамиятлари акцияларининг бозор қиймати ва нархи ўртасида кескин узилиш, яъни эквивалентлик даражасининг бузилиши ҳолатлари кузатилмоқда. Бунинг натижасида инвесторларда акцияларнинг аниқ адолатли қийматини билмасдан туриб, уларни сотиш ёки сотиб олишга доир қарорларни қабул қилишда маълум қийинчиликлар вужудга келмоқда. Халқаро амалиёт шуни кўрсатадики, қимматли қоғозлар бозори ривожланган давлатлар (АҚШ ва Европа мамлакатлари)да иқтисодий ўсиш юқори бўлиб, бунинг асосий сабабларидан бири сифатида транспарентлик даражасининг юқорилиги ҳамда акциядорлик жамиятлари устав капитали белгиланган миқдорининг нисбатан камлигини кўрсатиш мумкин. Чунки акциядорлик жамияти устав капитали акция қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши лозим. Масалан, акциядорлик жамиятлари устав капиталининг энг кам даражаси Германияда - 25,0 минг евро, Францияда - 37,0 минг евро, Швейцарияда - 100,0 минг швейцария франки, Россияда энг кам иш ҳақининг 1000 баробари, ёпиқ акциядорлик жамиятларида эса энг кам иш ҳақининг 100 баробарини ташкил этади¹.

Ҳозирги кунда жаҳон фонд бозорида рақобат муҳитининг кескинлашуви, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши ва молиявий технологиялар қўлланиш доирасининг кенгайтиришига таъсир кўрсатувчи омиллар, акциядорлик жамиятлари томонидан қимматли қоғозлар бозори орқали қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш бўйича илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ривожланган мамлакатлар, хусусан, АҚШ ва Европанинг бир қатор давлатларида акциялар қийматини баҳолаш масаласи уларнинг эмитенти бизнеси доирасида қаралади. Акцияларнинг бозор нархини шакллантириш масаласи эса фонд биржаларининг листинг ва котировка тартиб-қоидалари асосида кўрилади². Тадқиқотларда бизнес ва унинг таркибий қисми қийматини баҳолаш ва бошқариш масалалари кўриб чиқилган бўлса-да, бироқ акциялар бозор қиймати ва нархи эквивалентлигини таъминлаш масалаларининг етарлича очиб берилмаганлиги бу борада илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

¹ Беликова К.М., Иншакова А.О. Директивы ЕС как универсальное средство гармонизации для создания режима публичности и открытости деятельности компаний //Евразийский юридический журнал. 2010, №7 (26). -С.30-35.

² Sharpe W.F. Capital Assets Prices: a Theory of Market Equilibrium under Condition of Risk // Journal of Finance, 1964, September; Сидни Коттл, Роджер Ф. Мюррей, Франк Е. Блок. “Анализ ценных бумаг” Грэма и Додда. – М.: ЗАО “Олимп-Бизнес”, 2000. – 674 с.; Шарп У., Александер Г., Бэйли Дж. Инвестиции: Пер. с англ. - М.: ИНФРА-М, 1999. - XII, 1028 с.; Баффет У. Эссе об инвестициях, корпоративных финансах и управлении компаниями/Пер. с англ.-М.: Альпина Букс, 2005. - 268 с.; Русинов В.Н. Финансовый рынок: инструменты и методы прогнозирования. - М.: Эдиториал УРСС, 2000.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида³ қимматли қоғозлар орқали молия бозори капитализациясини чуқурлаштириш ва барқарорлигини ошириш ҳамда акциядорлик жамиятларининг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестицион лойиҳалар ишлаб чиқиш, мос равишда эмитентлар акциялари бозор қийматини баҳолашнинг сифат даражасини ошириш ва объектив бозор нархини шакллантириш, акциялар (жумладан, улар пакети) қиймати ва нархи эквивалентлигини таъминлаш масаласи алоҳида белгилаб берилди. Шунга кўра, иқтисодиётнинг ривожланишида муҳим касб этувчи акциянинг бозор қийматини адолатли баҳолаш ва объектив нархини шакллантириш ва эмитент бизнесининг молиявий аналоги (эквиваленти) сифатида намоён бўлиши, баҳолаш ёндашувлари билан боғлиқ бошқа масалалар чуқур тадқиқ этилишини ва тўлиқ ечимига эришишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида», 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сон «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 1 июндаги ПҚ-3764-сон «Баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Акциялар қийматини баҳолаш масаласи хорижий иқтисодчи олимлардан: Г.Александр, Т.Б.Бердникова, У.Баффет, Франк Е.Блок, Дж.Бэйли, В.Г.Гребенников, А.Г.Грязнова, Г.М.Десмонд, Р.Э.Келли, Сидни Коттл, Роджер Ф.Мюррей, Г.И.Микерин, Е.И.Нейман, В.Н.Русинов, А.Смирнов, W.F.Sharpe, М.А.Федотова, Дж.Р.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. 2017 йил 7 февраль. - www.lex.uz

Хикс, G.R.Chesley, У.Шарп ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган⁴. Мазкур тадқиқотларда акцияларнинг бозор нарҳини шакллантириш масаласи фонд биржаларининг листинг ва котировка тартиб-қоидалари асосида кўрилиши, акциялар реал қиймати ва бозор нарҳининг ўзаро боғлиқлиги масаласи фонд бозорининг фундаментал ва техник таҳлили асосида амалга оширилиб, бунда, асосан, «кўпик» вужудга келиши эҳтимоли баҳоланиши негизида уларнинг эквивалентлигига баҳо бериш мумкинлиги эътироф этилади⁵. Демак, бу масалаларнинг комплекс ечими асосида акциялар қиймати бозор баҳоси ва нарҳининг ўзаро эквивалентлигини таъминлаш бўйича тадқиқот ишлари фрагментар тавсифга эга.

Шунингдек, бизнес ва қимматли қоғозлар қийматини баҳолаш ҳамда бошқариш масалаларига бағишланган бир қатор, жумладан, Б.Ю.Ходиев, А.В.Ваҳобов, Ш.Ш.Шоҳаъзамий, Б.Б.Беркинов, Б.Х.Пардаев, Р.А.Алимов, Н.Г.Каримов, Ф.А.Хамидова, И.Л.Бутиков, М.Б.Хамидулин, А.Р.Нагаев, А.И.Матяшин, М.М.Миркамоллов, А.Н.Кравченко, В.А.Котов, М.П.Эшов, А.Ф.Хакимов, Ж.Ф.Каримов ва бошқа иқтисодчи ва олимлар ишларининг⁶ мавжудлигига қарамадан, фақат айрим ишларда⁷ қимматли қоғозлар баҳоси ва нарҳи эквивалентлигини таъминлашнинг илмий концептуал асослари берилганлиги, аммо бу борада акциялар қийматини адолатли баҳолаш ва уларнинг объектив бозор нарҳини шакллантириш асосида ўзаро эквивалентлигини комплекс равишда таъминлаш масаласи доирасида чуқур

⁴ Chesley G.R. Valuing Business: Use of accounting earnings Saint Mary's University, Halifax, NS, 1999; Хикс Дж.Р. Стоимость и капитал. – М.: Прогресс. 1988. – 365 с.; Микерин Г.И., Гребенников В.Г., Нейман Е.И. Методологические основы оценки стоимости имущества. – М.: Интерреклама, 2003. – 688 с.; Грязнова А.Г., Федотова М.А. Оценка бизнеса. Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 704 с.; Десмонд Г.М., Келли Р.Э. Руководство по оценке бизнеса. – М.: РОО, 1996; Оценка стоимости ценных бумаг, Методическое пособие ИПО, Финансовая академия при правительстве РФ. – М.: 1999; Бердникова Т.Б. Оценка ценных бумаг. – М.: Инфра-М, 2006.-144 с.; Sharpe W.F. Capital Assets Prices: a Theory of Market Equilibrium under Condition of Risk // Journal of Finance, 1964, September; Сидни Коттл, Роджер Ф. Мюррей, Франк Е. Блок. “Анализ ценных бумаг” Грэма и Додда. – М.: ЗАО “Олимп-Бизнес”, 2000. – 674 с.; Шарп У., Александер Г., Дж. Бэйли., Инвестиции: Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 1999. – XII, 1028 с.; Баффет У. Эссе об инвестициях, корпоративных финансах и управлении компаниями/Пер. с англ. – М.: Альпина Букс, 2005. – 268 с.; Русинов В.Н. Финансовый рынок: инструменты и методы прогнозирования. – М.: Эдиториал УРСС, 2000. Смирнов А. Кредитный “пузырь” и перколяция финансового рынка. //Вопросы экономики, М., 2008. – №10. –С.4-31.;

⁵Смирнов А. Кредитный “пузырь” и перколяция финансового рынка. //Вопросы экономики, -М., 2008. – №10,-С.4-31.

⁶Ходиев Б.Ю., Беркинов Б.Б., Кравченко А.Н. Бизнес қийматини баҳолаш: Олий таълим муассасаларининг талабалари учун ўқув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент Давлат иқтисодий университет. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007. -256 б.; Каримов Н.Г. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари. – Т.: Фан ва технология, 2007.; Хамидова Ф.А. Анализ и пути привлечения портфельных инвестиций в приватизированные предприятия. Автор-т к.э.н. БМА, 2008; Бутиков И.Л. Рынок ценных бумаг Узбекистана: проблемы функционирования и развития. – Т.: Консаудитинформ-нашр, 2008. – 224 с.; Арифджанова С.А. Проблемы развития внебиржевого рынка корпоративных ценных бумаг в условиях либерализации экономики: Автореферат дисс.... канд. экон. наук. – Ташкент, 2002. -20 с.; Кахаров К.К. Развитие рынка ценных бумаг Узбекистана: Автореферат дисс....канд. экон. наук. – Москва, РЭА им.Г.Плеханова, 2010. – 25 с.

⁷Шоҳаъзамий Ш.Ш. Биржевая деятельность. – Т.: Илм зиё, 2011.- 288 с.; Качество индустрии рынков: финансового и ценных бумаг. – Т.: ТФИ, 2004.-138 с.; Основы секьюритетики.-Т.: Iqtisod-moliya, 2005.-376 с.; Концепция сущности рынка ценных бумаг//Молия, Т., 2009. – №1. – С. 82-91.; Как можно оценить “пузырь” на рынке ценных бумаг//Биржа эксперт, Т., 2010. – №1. – С. 35-38.

илмий изланишларнинг зарурлиги мазкур диссертация мавзусини танлашга асос бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасининг “Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги стратегик илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон эмитентлари акциялари бозор қийматини баҳолаш ва объектив нархини шакллантиришга ҳамда акциялар қиймати ва нархи эквивалентлигини таъминлашга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

акция қиймати ва нархининг мазмун-моҳияти, турлари, ўзаро боғлиқлиги ва эквивалентлиги ҳамда уларга таъсир этувчи омиллар тўғрисидаги тушунча ва назарий қарашларни шакллантириш асосида уларни эмитент бизнесининг молиявий эквивалентлари эканлигини илмий асослаш;

жаҳон амалиётидаги акциялар қийматини баҳолаш ва нархини шакллантириш ёндашувлари ва усулларини тизимлаштириш асосида уларни Ўзбекистон шароитида қўллаш бўйича илмий хулоса ва тавсиялар бериш;

Ўзбекистон шароитида акциялар қийматининг баҳоланиши ва нархини шаклланиши тенденцияларини таҳлил қилиш, хусусиятлари ва муаммоларини аниқлаш, акциядорлик жамиятлари акцияларининг қиймати ва нархининг ўзаро эквивалентлиги даражасига баҳо бериш;

акциялар ва улар пакети бозор қийматини баҳолашнинг такомиллашган услубини ишлаб чиқиш;

акциялар қийматини баҳолаш ва бошқаришда эмитент ва акциядорлар рискларини ҳисобга олиш, бенчмаркинг ва информацион технологияларни қўллаш йўлларини аниқлаш;

акциялар бозор қиймати ва биржа нархи шаклланишида баҳолаш методологияси ва тизимини кенгайтириш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда акциялар қийматини баҳолаш хизматлари ва акциялар бозори ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети акциялар бозор қийматини баҳолаш ва нархини шакллантириш ҳамда акциялар қиймати ва нархининг ўзаро эквивалентлигини таъминлаш жараёнида содир бўладиган муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида кузатиш ҳамда маълумотларни гуруҳлаш ва статистик ишлов бериш, корреляцион-регрессион, таққослаш, тенденцияларни таҳлил қилиш ва прогнозлаш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

акция эмитентлари ва инвесторларининг мақсади, фаоллик ва риск даражаси ҳамда акциясининг ликвидлигига кўра турли тоифаларга

таснифлаш орқали корпоратив эмитентларнинг транспарентлик (информацион шаффофлик) даражасини ошириш асосланган;

акция қийматини баҳолашда унга алоҳида субстанция сифатида ёндашиш орқали акциянинг бозор нархи ҳамда унинг баҳолаш хизматлари томонидан белгиланган қиймати эквивалентлигини таъминлаш асосланган;

акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқаруви тузилмасида ички баҳоловчи ва ҳолис инвестиция маслаҳатчиси хизматларини киритиш асосида акция қийматини баҳолашнинг харажатларга, даромадларга ва қиёсий солиштиришга асосланган ёндашув ва усуллари такомиллаштирилган;

Ўзбекистон шароитида акциялар қийматининг баҳоланиши ва нархи шаклланиши тенденцияларини ўзаро боғлиқликда таҳлил қилиш ҳамда акциядорлик жамиятлари акциялари қиймати ва нархининг ўзаро эквивалентлик даражасини баҳолаш услуби такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жаҳон амалиётидаги акциялар қийматини баҳолаш ва нархини шакллантиришга оид ёндашувлар ва усуллар тизимлаштирилган;

Ўзбекистон шароитида акциялар қийматини баҳолашга мослаштирилган ва такомиллаштирилган услубларни қўллаш бўйича илмий хулоса ва таклифлар берилган;

Ўзбекистон шароитида акциялар ва улар пакети бозор қийматини баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган;

эмитент ва акциядорлар рискларини ҳисобга олиш, бенчмаркинг ва информацион технологияларни қўллаш йўллари аниқланган;

акциялар бозор қиймати ва биржа нархининг шаклланишини баҳолаш методологияси такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги акциялар қийматини баҳолаш ва нархини шакллантиришнинг асосий назарий ва амалий муаммоларига бағишланган маҳаллий ва хорижий олимлар ҳамда мутахассисларнинг илмий қарашлари тадқиқ қилинганлиги, илмий хулоса ва таклифларни ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳисобот ва маълумотларидан фойдаланилганлиги, асосий илмий натижаларнинг республикадаги йирик акциядорлик жамиятлари амалиётида жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти тадқиқот жараёнида олинган илмий хулоса ва тавсиялардан Ўзбекистонда акциялар бозор қийматини баҳолаш ва биржа нархини шакллантиришга ҳамда уларнинг ўзаро эквивалентлигини таъминлашга қаратилган келгусидаги махсус илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти акциялар бозор қийматини баҳолаш ва нархини шакллантириш ва уларнинг ўзаро эквивалентлигини таъминлаш бўйича хулосалар, назарий тавсия ва амалий таклифлардан давлатнинг махсус чора- тадбирлар дастурини ишлаб чиқишда, баҳолаш ва молия-кредит

институтлари амалиётида ҳамда олий ва ўрта-махсус таълим муассасаларининг ўқув жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. Акциялар бозор қиймати ва нархи эквивалентлигини таъминлаш йўллари тадқиқ этиш орқали олинган илмий натижалар асосида:

акция эмитентлари ва инвесторларининг мақсади, фаоллик ва риск даражаси ҳамда акциясининг ликвидлигига кўра турли тоифаларга таснифлаш орқали корпоратив эмитентларнинг транспарентлик даражасини ошириш таклифидан “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари акцияларини таснифлаш жараёнида фойдаланилган (“Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамиятининг 2019 йил 17 июлдаги 03-23/4318 ва 2019 йил 27 сентябрдаги 03-23/5633-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида 98 та корхона акциялари листингига эришилган;

акция қийматини баҳолашда унга алоҳида субстанция сифатида ёндашиш орқали акциянинг бозор нархи ҳамда унинг баҳолаш хизматлари томонидан белгиланган қиймати эквивалентлигини таъминлаш таклифи “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти таркибидаги 42 та пахта тозалаш корхоналари акциялари қийматини баҳолаш жараёнида қўлланилган (“Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамиятининг 2019 йил 17 июлдаги 03-23/4318 ва 2019 йил 27 сентябрдаги 03-23/5633-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши акцияларнинг бозор қийматини тўғри аниқлаш имконини берган;

акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқаруви тузилмасида ички баҳоловчи ва ҳолис инвестиция маслаҳатчиси хизматларини киритиш асосида акция қийматини баҳолашнинг харажатларга, даромадларга ва қиёсий солиштиришга асосланган ёндашув ва усулларидан “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамиятининг 42 та пахта тозалаш корхонаси ва 144 та пахта қабул қилиш масканлари акциялари қийматини баҳолашда фойдаланилган (“Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамиятининг 2019 йил 17 июлдаги 03-23/4318 ва 2019 йил 27 сентябрдаги 03-23/5633-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида 1255 млрд. сўмлик акция қийматини баҳолашга эришилган;

Ўзбекистон шароитида акциялар қийматининг баҳоланиши ва нархи шаклланиши тенденцияларини ўзаро боғлиқликда таҳлил қилиш ҳамда акциядорлик жамиятлари акциялари қиймати ва нархининг ўзаро эквивалентлик даражасини баҳолаш услубидан фойдаланиш таклифи “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти таркибидаги 42 та пахта тозалаш корхоналари фаолиятига жорий этилган (“Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамиятининг 2019 йил 17 июлдаги 03-23/4318 ва 2019 йил 27 сентябрдаги 03-23/5633-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида акциядорлик жамиятларининг 821 млрд. сўмлик акциялари қиймати ва нархининг ўзаро эквивалентлигини таъминлашга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та, жумладан, 9 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, шундан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган ҳолда 116 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, миллий иқтисодиёт ривожланишининг устувор йўналишларига монандлиги аниқланган. Шунингдек, киришда тадқиқот ишининг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён этилган, натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар сони ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Акция қиймати ва нархи - эмитент бизнесининг молиявий эквивалентлари: назарий қараш ва ёндашувлар»** деб номланган биринчи бобида акция қиймати ва нархи, уларнинг мазмун-моҳияти, турлари, ўзаро боғлиқлиги ва эквивалентлиги, акция қиймати ва нархига таъсир этувчи омиллар ва акциялар қийматини баҳолаш ва нархини шакллантиришга оид ёндашувлар атрофлича тадқиқ қилинган ва тегишли хулосалар шакллантирилган.

Республикада мулкнинг акциядорлик шаклини ривожлантириш орқали компаниялар ишлаб чиқаришини модернизация қилишда инвестион фаолликни ошириш муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги акциялар бозори (АБ) ва улар қийматини баҳолаш хизматлари бозори (АҚБХБ) мазмун-моҳиятини очиб бериш, уларни бир-бири билан боғлиқлиги ва ўзаро эквивалент мутаносибликда ривожланиши, мос равишда акциялар (жумладан, улар портфели) адолатли қийматини баҳолаш ва объектив бозор нархининг шакллантирилишида улар эквивалентлиги таъминланиши масалаларини келтириб чиқаради. Бунда, хусусан, акция қиймати ва нархи мазмуни, таснифи ва тавсифи ҳамда АБ ва АҚБХБнинг мазмун-моҳияти, уларга таъсир этувчи омилларни, бу бозорларнинг ўзаро боғлиқлиги ва эквивалентлиги тўғрисидаги, акциянинг адолатли бозор қиймати баҳоланиши ва объектив нархи шаклланиши жараёнларининг ўзаро боғлиқликда амалга оширилиш зарурлигини, бундай қиймат ва нархнинг эмитент бизнеси молиявий аналог (эквиваленти) сифатида намоён бўлиши тўғрисидаги тушунчалар ва назарий қарашларни шакллантириш ҳамда акция қийматини баҳолаш ва нархини шакллантириш ёндашув ва усуллари Ўзбекистон шароитида қўлланилиш

муаммолари ва хусусиятлари ҳамда маъқул услубларини аниқлаш⁸ муҳим аҳамиятга эга. Ушбу масалаларнинг назарий ва амалий ечимини 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича «Харакатлар стратегияси» асосида давлатнинг замонавий макроиқтисодий сиёсати контекстида амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Иқтисодий мазмунга, юридик конструкцияга ва информацион таъминотга эга бўлган ва бир вақтнинг ўзида капитал, товар ва молиявий инструмент сифатида намоён бўлувчи акция баҳолаш фаолиятида етарли даражада алоҳида субстанция сифатида қаралмаяпти. Зеро, эмитент акцияси бозор қиймати ва нархи бир-бири билан узвий боғлиқликда бўлганлиги, лекин акция қиймати унинг нархи эмаслиги, ҳамда айнан бундай субстанция капиталга (акцияга ҳам) меҳнат, маблағ ва тадбиркорлик ташаббуси сарфланиши жараёнида акция эмитенти бизнесини шакллантиради ва қийматини оширади. Шу билан бирга, бундай капитал (яъни акция-капитал ва субстанция сифатида) эмитент фаолияти жараёнининг ҳосиласи сифатида қаралмоқда. Бундай ҳолат эса акциянинг капитал сифатидаги ролини камситмоқда. Айнан капитал ва унинг қийматини баҳолаш асосида ошириш имконияти эмитент ривожланишининг асоси ҳисобланади. Тадбиркорлик капита-лининг жамланиши ва фаол ишлатилиши жараёнида акция (акциядорлик капитали, акциялар портфели) қийматини баҳолаш ва бозор нархини шакллан-тириш масалалари доимо вужудга келаверади.

Акция – мулкнинг бошқа турларидан фарқли бир вақтнинг ўзида капитал, товар ва молиявий инструмент шаклида муомалада бўлувчи жамғарма ва инвестицион сифатларига ҳамда акция мазмуни билан белгиланган ва у берган ҳуқуқлар бўйича бошқарув имкониятларига эга алоҳида субстанция сифатида – қиймати ва нархи тушунчалари унинг иқтисодий мазмуни, юридик (ҳуқуқий) ва информацион хусусиятлари билан узвий боғлиқдир. Иқтисодий назария қарашлари асосида акция қиймати ва нархи унинг нафлилигига, эмитенти сифатига, реал иқтисодий шароитларда талаб қилинганлигига ҳамда унга бўлган талаб ва таклифнинг нисбатига, инвестиция муҳитига боғлиқ. Акциянинг жамғарма воситаси ва инвестицион сифатларига ишонччилик, барқарорлик, хавфсизлик, ликвидлик, даромадлилик, рискчилик киради. Умуман олганда, акциянинг жамғарма ва инвестицион сифатлари ҳамда акция мазмунига кўра берилган ҳуқуқлар бўйича бошқарув имкониятлари миқдори ва кўлами қанчалик кўп бўлса, унинг қиймати ва нархи шунчалик юқори бўлади (баҳоланади).

Акция қиймати унинг нархи эмас, чунки акция қиймати профессионал баҳоловчи, сотувчи, ҳаридор, эмитент ёки потенциал инвесторнинг адолат нуқтаи назаридан прагматик (аналитик формулавий ҳисоб-китобларга ва эксперт хулоса-ларига асосланган) фикри билан субъектив белгиланади, акция нархи эса фонд бозори талаб ва таклифи (объектив конъюнктураси)

⁸ Зеро, буларнинг барчаси турли омиллар таъсирида, айниқса, алоҳида олинган мамлакат шароитига мос равишда, узлуксиз такомиллашиб боради.

асосида содир этилган олди-сотди битими шартларини акс эттиради, яъни акция қиймати баҳоланади, унинг нархи эса бозор конъюнктурасига кўра тўланади.

Иқтисодиёт фанлари доирасида мулк, жумладан, акция қиймати ва нархи тушунчалари ўзбек ва рус (жумладан барча хориж) тилларидаги адабиётларда маълум даражада фарқланади. Масалан, ўзбек тилидаги адабиётларда, нарх ва баҳо синоним терминлар деб талқин қилинади. Зеро, рус тилидаги иқтисодий адабиётларда⁹ эса чет эллардагидек (АҚШ, Европа мамлакатлари) қиймат («стоимость», «cost», «value», «appraisal», «assess») ва унинг молиявий (пулдаги) баҳоси (яъни берилган баҳо – «оценка», «estimation», «valuation», «mark») ҳамда нарх («цена», «price») турли тушунча деб таъкидланади.

«Баҳолаш» (оценка, appraise, estimation, valuation, mark) сўзи бир неча маънони – нархни аниқлаш, қийматни белгилаш (баҳолаш), нафлилик ва қимматлилик даражасига баҳо бериш, миқдорни баҳолаш, сифати ёки кадр-қиммати тўғрисида хулоса чиқариш жараёни – маъноларини англатади. Бунда «баҳо» атамаси баҳолашнинг шarti ва мақсади мазмунига қараб бир неча маънони – баҳолаш доирасидаги ҳаракатни, қиймат ҳақидаги хулосани, ёхуд тадқиқот натижалари бўйича хулосаларни англатиши мумкин. Шунга кўра, «баҳоловчи» деган сўз русчада «оценщик» ва инглизчада «appraiser» деб қабул қилинган.

Акция қийматининг бозор баҳоси – бу макро-, микро- ва махсус омиллар таъсиридаги рақобат шароитида ҳолис баҳоловчи (эксперт) томонидан баҳоланиб ва баҳолашдан манфаатдор тарафлар томонидан адолат нуқтаи назаридан бозор нархига яқин деб қабул қилинган адолатли қийматдир.

Акциянинг объектив нархи – бу акциянинг эркин (очик), юқори даражада ташкиллашган ва ликвид бозорида талаб ва таклиф (конъюнктура) асосида ҳамда бозор рисклари ва ҳаракати психологияси таъсирида ихтиёрий тузилган олди-сотди битимлари қиймати асосида шаклланган объектив нархдир.

Ликвид бўлмаган ва паст ликвидли акциялар бозор қиймати ва иккиламчи бозордаги нархи мос равишда бир-бирига боғлиқлик даражаси жуда паст бўлади ва боғлиқ бўлмайди. Ликвид акциялар бозор қиймати ва нархининг ўзаро боғлиқлик даражаси эса юқори бўлади. Одатда, акция қиймати баҳолаш мақсадига кўра белгиланади (ҳисоблаб топилади), кейин эса бу қийматга дастлабки тарзда таянган ҳолда акция бўйича жорий

⁹ Микерин Г.И., Гребенников В.Г., Нейман Е.И. Методологические основы оценки стоимости имущества. - М.: ИНТЕРРЕКЛАМА, 2003.-688 с.; Григорьев В.В., Федотова М.А. Оценка предприятий: теория и практика/Под ред. В.В.Григорьевой.- М.: ИНФРА-М, 1997. – 318 с.; Грязнова А.Г., Федотова М.А. Оценка бизнеса. Учебник. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 704 с.; Бердникова Т.В. Оценка ценных бумаг: Учебное пособие. -М.: ИНФРА-М, 2006.-144 с.; Шоҳаъзамий Ш.Ш. ва бошқалар. Мулк ва уни баҳолаш хизматлари бозорлари ҳамда реал иқтисодиётнинг ўзаро макрорегулятив боғлиқлиги: муаммолар ва назарий қарашлар.//Молия. -Т., №4, 2010.-б.58-63; Турли мулк қийматини баҳолашнинг услубий асослари: тизимлаштирилган назарий тушунчалар, ёндашув ва усуллар.// Биржа эксперт. -Т., №3, 2011.-сс.6-11; www.appraiser.ru.; www.mrsa.ru.

вақтдаги талаб ва таклифга кўра олди-сотти битими асосида акциянинг бозор нархи ўрнатилади.

Акциялар қийматини баҳолаш хизматлари ва бозор нархини шакллантириш бозорларида мос равишда адолатли қиймат (баҳо) ва объектив нархлар воситасида жамғарма, инвестиция ва акциялар самарали қайта тақсимланади.

Акциялар қиймати комплекс таъсир этувчи турли ички фундаментал, махсус ва ташқи омиллар ҳамда АҚБХБ ва АБ тенденциялари таъсирини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади.

Акциянинг хилма хил қиймати ва нархи турига мос равишда ёндашув ва усуллар тўғри келиб, ҳозирда уларни аниқлашда иккита концепция қўлланилади.

Биринчи концепция – фонд бозорида нарх шаклланишининг бозор қонуниятлари, техник ва фундаментал таҳлил назарияларига асосланади.

Иккинчи концепция – ҳолис баҳоловчи томонидан акция қийматини баҳолаш бўлиб, унда ҳаражатлар ҳисобига, қиёсий солиштиришга ва даромадлар ҳисобига асосланган ёндашувларга асосланади.¹⁰ Бунда акция қийматини баҳолаш эмитентнинг турли фаолияти натижалари билан узвий боғлиқ бўлиб, асосан, активлар таҳлили ёки даромадлар динамикасини ўрганишга асосланади. Бунда ҳар бир ёндашув ва усулнинг ижобий ва салбий тарафларини ҳамда қўлланилиш соҳалари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни акциялар қийматини баҳолашда комплекс равишда қўллаш лозим.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон шароитида акциялар қийматининг баҳоланиши ва нархи шаклланиши тенденциялари ва хусусиятлари**» номли иккинчи бобида акциялар қийматини баҳолаш хизматлари ва нархи шаклланиши бозорларининг ривожланиш тенденциялари ва боғлиқлиги, акциялар бозор қийматини баҳолаш ва нархини шакллантириш механизмнинг хусусиятлари ва акциядорлик жамиятлари акцияларининг қиймати ва нархининг ўзаро эквивалентлигини баҳолаш, шунингдек, боб бўйича тегишли хулосалар келтирилган.

Акциялар қийматини баҳолаш ва нархини шакллантиришнинг асосий мезонлари бўлиб қуйидагилар хизмат қилади: баҳолаш мақсадлари (акцияга эгалик қилиш ва уни сотиб олиш мақсадлари билан боғлиқ), қиймат (нарх) тури, эмитент статуси ва кўрсаткичлари, жамғариш ва инвестицион сифатлар, акция мазмуни билан белгиланган ва у берган ҳуқуқлар бўйича бошқариш имкониятлари. Акция қиймати ва нархининг турлари, номинал қиймат, эмиссион қиймат, баланслаштирилган нарх, базис қиймат, дисконтланган қиймат, ҳисоб юритиш нархи, баланс қиймат, базавий соф қиймат, биржа нархи, котировка нархи, бозор қиймат, бозор нархи,

¹⁰ Микерин Г.И., Гребенников В.Г., Нейман Е.И. Методологические основы оценки стоимости имущества. - М.: ИНТЕРРЕКЛАМА, 2003. - 688 с.; Григорьев В.В., Федотова М.А. Оценка предприятий: теория и практика/Под ред. В.В.Григорьева.- М.: Инфра-М, 1997. – 318 с.; Бердникова Т.В. Оценка ценных бумаг: Учебное пособие. -М.: ИНФРА-М, 2006. -144 с.; Ходиев Б.Ю., Беркинов Б., Кравченко А. Бизнес қийматини баҳолаш. - Т.: Iqtisod-moliya, 2007. -256 б.

инвестицион қиймат, тугатиш қиймати, виртуал қиймат ва нарх акциялар бўйича турли фонд операцияларини бажариш учун зарур. Натижада, бир акция бир вақтнинг ўзида бир-биридан миқдорий фарқланувчи бир неча қиймат турига эга бўлиши мумкин. Масалан, тугатиш (ликвидацион) қиймати инвестицион қийматдан бир неча марта кам бўлиши, бозор қиймати эса номинал қийматдан анча юқори бўлиши мумкин. Виртуал нарх эса кўпроқ психологик омил, ахборот тақчиллиги, спекуляция ва манипуляциялар эвазига вужудга келади.

Акциялар қийматини баҳолаш қуйидаги ҳолларда қаралади: эмиссия жараёнида (акцияларни чиқариш ва жойлаштириш билан боғлиқ реал сарф-харажатлар қиймати, яъни асл қиймат, сифатида); сотиб олишда (келажакда олиш мумкин бўлган даромад сифатида); конвертация жараёнида (алмаштирилаётган молиявий активнинг ўрнини қопловчи қиймат сифатида); ликвидсиз ва паст ликвидли акциялар билан боғлиқ операцияларда мақсадли баҳолаш; регулятив ва акция қийматини бошқариш мақсадларида.

Иқтисодий системологиянинг эквивалентлик тамойилига кўра, АҚБХБ ва АБ ҳар бири тузилмавий ва мазмунан фарқли, лекин бир-бири билан умумий регулятор орқали узвий боғлиқ бўлганлиги учун уларни ўзаро узвий боғлиқ ва идеал ҳолатда АҚБХБ баҳолаган қиймат АБ шакллантирган нархга эквивалентлиги мазкур бозорларни ўзаро эквивалент деб қабул қилишга асос бўлади. Натижада, уларни шартли равишда бир бутун акциялар қиймати баҳоси ва нархи бозори (АБНБ) сифатида ифодаласа бўлади. Макроиқтисодий нуқтаи назардан ҳар иккала бозорни комплекс тартибга солиш ва бунинг асосида улар эквивалентлигини таъминлашда давлат (яъни унинг ваколатли органи)нинг регулятив функцияси муҳим роль ўйнайди. Мазкур функцияни умумий регулятор ёрдамида самарали бажарилиши ушбу бозорларнинг зарурий эквивалентлик даражасига эришиш демакдир. Айнан шу фикр нуқтаи назаридан уларни акцияларнинг регулятор томонидан ўзаро баланслаштирилувчи қиймат (баҳо) ва нархлари бозори (АБНБ) сифатида бир бутун бозор деб қабул қилиш мумкин. Бунда АҚБХБ ва АБ жараёнларига турли ички фундаментал, ташқи ва махсус омиллар таъсир қилиб, регулятор томонидан ҳар иккала бозорнинг тенденцион қонуниятлари динамикаси ҳисобга олинади.

Умуман олганда, АҚБХБда баҳоланган акция қиймати АБ нархига ва аксинча, трансформацияланиши ва бунда ҳар бир бозорнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, улардаги тенденциялар омиллар таъсирини ўзида турлича намоён қилиши, улар орасидаги эквивалентликни – идеал ҳолатни – камданкам вужудга келишига сабаб бўлади.

Эквивалентликнинг бузилиши қуйидагиларга олиб келади:

1) агарда АҚБХБ баҳоси ва АБ нархи ўртасидаги тафовут улардан иккинчисининг фойдасига бўлса, у ҳолда АҚБХБ баҳоси ва АБ томонидан баландроқ нархланган бўлади, яъни бу ҳолат «кўпик» ҳосил бўлганидан далолат беради;

2) агарда АҚБХБ баҳоси ва АБ нархи ўртасидаги тафовут уларнинг биринчисини фойдасига бўлса, у ҳолда АҚБХБ баҳоси ва АБ томонидан

пастроқ нархланган бўлади, яъни бунда акциянинг бозордаги «кадрсизлиги» ҳолати вужудга келади.

Айнан АҚБХБ ва АБ орасидаги мутаносиблик ҳамда эквивалентликни таъминлаш ушбу бозорларни давлат томонидан комплекс мувофиқлаштириш ва назорат қилиниши (тартибга солиниши)ни талаб қилади.

Бунда АҚБХБ энг идеал ҳолатда АБ билан эквивалент бўлади, демак, АБНБ ҳолатини ва у орқали мамлакатдаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисаларни АБ каби эквивалент равишда («барометр» сифатида) акс эттиришга ўз ҳиссасини қўшади.

Фикримизча, фақат шундагина АБНБ ва реал ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ўзаро уйғунлиги ва барқарорлигини макрорегулятив таъминлаш мумкин. Бунда АБНБ ва реал ижтимоий-иқтисодий жараёнлар давлатнинг замонавий мулкый муносабатлар бозорини ривожлантириш сиёсати доирасида ва омиллар таъсирида қаралиши зарур.

Ўзбекистон шароитида акциялар қийматининг баҳоланиши ва нархи шаклланиши тенденцияларини ўзаро ва макроиқтисодий сиёсатга боғлиқликда таҳлил қилиш ҳамда акциядорлик жамиятлари акциялари қиймати ва нархининг ўзаро эквивалентлиги даражасини баҳолаш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва улар ечимига эришишда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда АБ ва АҚБХБ тенденциялари йилдан-йилга юқорилаб бораётган бўлса-да, лекин уларнинг иқтисодиётдаги роли пастлигича қолмоқда. Чунки уларнинг инфратузилмаси ва регулятив базаси мукамал эмас. Бунда АБда, асосан, ликвидсиз ва паст ликвидли акциялар муомалада, инвестиция rischi юқори, акцияларнинг барқарор давомий иккиламчи бозори ривожланмаганлиги сабабли, бозор нархининг шаклланиши юқори волатил бўлиб, объектив характерга эга эмас. Акциядорлик капитали тузилмасида давлатнинг иштироки юқори бўлишига қарамасдан, кўпчилик компанияларнинг молиявий натижалари ва даромадлари ўсиш тенденциясига эга. Акция эмитентлари сони йилдан-йилга камайиб борса-да, акция эмиссияси ва савдоси ҳажми ортиб борган.

Баҳолаш фаолиятида компаниялар акциялари қийматига микро омиллар сифатида уларнинг актив ва пассивлари, жорий молиявий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш аҳволи, келажакда бизнесининг ривожланиш истиқболи, акциядорлик капитали тузилмаси ва унда давлатнинг иштироки, корпоратив бошқаруви механизми таъсир кўрсатади. Бунда компаниялар акциялари қиймати ва нархи – бу АБНБда қийматлар орасидаги ва нархлар ўртасидаги паритетлар бўлиб, улар (қиймат ва нархлар)нинг юқори чегараси макро омиллар билан белгиланади, қуйи чегараси эса микро омиллар ва эмитентларнинг ривожланиш истиқболлари билан белгиланади. Шунинг учун Ўзбекистон шароитида акцияларга муваффақиятли инвестициялаш ва улар портфелини самарали бошқариш учун нафақат “қиймат” ва “нарх” тушунчаларини тўғри англаш, балки уларни тўғри таҳлил қилиш ва ўз ўрнида қўллаш талаб этилади. Бироқ Ўзбекистон ва хорижий амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, активларнинг виртуал таркиби (яъни “кўпик”) миқдори

(қиймати ва нархи)ни баҳолаш муаммолигича қолмоқда. Активларнинг виртуал таркиби миқдорини баҳолаш усуллари етарлича ёритилган бўлиб, уларни Ўзбекистон шароитида қўллаш ҳозирча акцияларнинг давомий иккиламчи бозори ривожланмаганлиги сабабли мушкул.

АБНБ муносабатлари ва тенденцион қонуниятлари ривожини ҳамда баҳолаш механизмининг ривожланишини белгиловчи омиллар 1-жадвалда кўрсатилганидек, учта йирик гуруҳга ажратилиб таснифланиши ва ҳар бир гуруҳга киритилган омилларни, уларнинг мазмун-моҳиятига кўра, қуйидагича тавсифлаш мумкин.

1-жадвал

Омиллар таснифи¹¹

	Тасниф гуруҳи	Таъсири турли сифатий ва миқдорий индикаторларда намоён бўлувчи асосий омиллар
1	Ташқи омиллар	молиявий глобаллашув тенденциялари иқтисодий цикллар ва уларга мос инқирозлар жаҳон бозоридаги нархлар жаҳондаги нобарқарорлик дунёдаги ҳар бир давлатнинг ўзига хос ривожланиш тенденциялари
2	Ички фундамен-тал омиллар	жамиятнинг танлаган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ривожланиши модели жамиятнинг ижтимоий-маданий ривожланиши ресурсларга эгаллиги ва географик жойлашуви макроиқтисодий шароит ва барқарорлик, инвестиция муҳити ва давлатнинг кредит рейтинги мамлакат минтақалари ва ҳудудларининг ўзига хос ривожланиш тенденциялари ва муаммолари мулкчилик тизимининг ривожланганлик даражаси, инсон омили давлат институтларининг ривожланганлик даражаси.
3	Махсус ички омиллар	мулккий муносабатлар бозорининг риск даражаси баҳолаш институтларининг рақобатбардошлик ва ривожланиш даражаси бозор инфратузилмасининг ривожланганлиги, унинг очиқлиги (транспарентлиги), халқаро даражада интеграллашганлиги баҳолаш бизнеси муҳити ва қабул қилинадиган қарорлар эмитент акцияларининг техник хоссалари, кўрсаткичлари ва сифатлари.

Айтиш жоизки, 1-жадвалда келтирилган ҳар бир гуруҳ омилларини комплекс тарзда – бир-бири билан боғлиқликда тавсифлаш ва уларни бошқа гуруҳ омилларига боғлиқликда тизимли ўрганиш зарур.

Жаҳон глобаллашувининг АБНБга таъсири миллий бойликнинг жамланиши омилига ўхшашдир. Мазкур жараён натижасида АБНБлар рисклар ва 1-жадвалда келтирилган омилларга таъсирчан халқаро миқёсда интеграллашган шаклга эга. Шу билан бирга, бу жараёнда дунёнинг етакчи индустриал ривожланган давлатларининг жаҳон АБНБда ҳукмронлиги сезиларлилигича қолмоқда.

Омиллар таъсиридаги АБНБнинг юқорида келтирилган ривожланиш тенденциялари ва уларга мос равишда баҳолаш механизмининг акциялар

¹¹Манба: муаллиф томонидан тузилган.

қийматини баҳолаш хизматлари бозори (АҚБХБ)да фаолият юритувчи институтлар амалиётидаги баҳолаш жараёнини юқоридаги модель (1-расм) билан ифодалаш мумкин.

Унга (1-расм) кўра, акциянинг ҳақиқий бозор қийматини ҳисоблаш жараёни икки таркибий қисмдан ва бунда уларнинг ҳар бирига ва умуман, баҳолаш жараёнига бирдек таъсир этувчи омиллар комплексидан иборат бўлади.



1-расм. Акция қийматини баҳолаш модели¹²

Илмий-услубий ва амалий нуқтаи назардан қаралганда, ҳар бир таркибий қисм бўйича акция қийматини алоҳида баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Бунда акциянинг товар, пул хужжати ва капитал сифати (шакли)даги хоссалари ва параметрлари 2-жадвалда кўрсатилганидек аниқланади.

2-жадвал

Акциянинг ишлатилиш шакли, хоссалари ва параметрлари¹³

Ишлатилиш шакли	Хоссалари	Параметрлари
Товар сифатида	Нафлилиги	Дивиденд даромади, курс тафовути бўйича даромад, компанияни бошқаришда иштирок этиш, гаровга қўйиш, устав фондига киритиш.
	Сотиб олиш харажатлари	Сотиб олиш ва эгалик ҳуқуқини расмий-лаштириш харажатлари, акцияни эгасига етказиб бериш харажати; воситачи ва консалтинг хизматларига тўловлар.
	Сақлаш харажатлари	Депозитар хизмат харажатлари
Пул хужжати сифатида	Эгалик ҳуқуқини амалга ошириш харажатлари	Депозитар хизмат ва рўйхатга олиш харажатлари.
	Эмиссияни ташкил этиш ва уни жойлаштириш харажатлари	ОАВ орқали эълон ва реклама харажатлари; акциялар рисоласини ишлаб чиқиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш харажатлари; акция чиқаришни ўз ичига олган акциядорлар умумий йиғилиши ўтказишнинг харажатлари; акцияларни жойлаштириш тўғрисидаги ҳисоботларни ОАВда чоп этиш харажатлари.
Капитал сифатида	Қийматини баҳолаш харажатлари	Баҳоловчи фирма хизмати харажатлари
	Сақлаш харажатлари	Депозитарий харажатлари

¹²Манба: муаллиф томонидан тузилган.

¹³ Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Таъкидлаш жоизки, акциялар қийматини баҳолашда омиллар таъсири вақт бирлиги ичида ҳамда табиий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ҳудудий шарт-шароитларнинг турли ҳолатлари (параметрлари) ўзгаришига мос равишда доимо ўзгариб турганлиги сабабли акцияларнинг бозор баҳоси ва бозор нархи ҳам ўзгарувчан бўлади.

Шунинг учун, бунда турли омилларнинг (2-жадвал) АБНБга ҳамда унинг ликвид ва паст ликвидли акцияларга таъсири хусусиятларини 3-жадвалдагидек ифодалаш мумкин.

3-жадвал

Омилларнинг АБНБга ҳамда ундаги ликвид ва паст ликвидли акциялар қийматига таъсири хусусиятлари¹⁴

Ривожланаётган мамлакатларнинг АБНБга:		Ривожланган АБНБ
Ташқи ва макро омиллар таъсири кучли бўлади; Тармоқлар омиллари кучсиз ўзгаради; Микро омиллар мулкдорнинг ёки мулкчилик тузилмасининг ўзгаришига, компаниянинг молиявий ҳолати ва фаолиятига таъсир кўрсатади.		Микро омиллар кучли таъсир кўрсатади; Ташқи ва макро омиллар компания фаолиятига ва унинг ациялари қийматига тегишли тузатишлар киритиш нуқтаи назаридан таъсир кўрсатади.
Ликвид акциялар баҳоси ва нархи:	Паст ликвидли ва ноликвид акциялар баҳоси ва нархи:	
Эмитентнинг барқарор ҳолатига таъсир кўрсатувчи ҳодисалар: - компанияни қайта ташкил этиш; - компания фаолиятига давлатнинг аралашуви; - компания маҳсулоти нархларининг ўзгариши.	Компанида капитал ҳаракати таъсир кўрсатувчи ҳодисалар: - молиявий-иқтисодий ҳолатининг ўзгариши; - буюртмалар портфелининг ўзгариши; - акциядорлик капитали тузилмаси. Агарда компанияга ўрта ва узок муддатли капитал киритилса, у ҳолда унинг акцияси қиймати ошади.	

3-жадвал таҳлили асосида айтиш мумкинки, ривожланган мамлакатларда омиллар таъсири қуйидаги кетма кетликда амал қилади: 1) компаниянинг молиявий хўжалик фаолияти билан боғлиқ омиллар таъсири; 2) тармоқ омиллари таъсири; 3) макро омиллар таъсири. Ривожланаётган мамлакатларда эса: 1) ташқи ва макро омиллар таъсири; 2) микро омиллар таъсири.

Акцияларни баҳолашда ҳисобга олинадиган техник омиллар юқоридаги 4-жадвалда¹⁵ келтирилган бўлиб, уларнинг ичида муҳим омил сифатида бозор конъюнктурасини кўрсатиш мумкин.

¹⁴Манба: муаллиф томонидан тузилган.

¹⁵Бердникова Т.В. Оценка ценных бумаг: Учебное пособие. -М.: ИНФРА-М, 2006. - 108 б.

Техник омиллар таснифи ва тавсифи¹⁶

Омиллар	Тавсифи
Нархлар тенденцияси	Талаб ва таклиф нархлари ўртасидаги тафовутни ҳамда минимал, ўртача ва максимал нархлар нархлар ўзгаришининг умумий йўналиши.
Бозор ҳажми тенденцияси	Бозорнинг инвестицияларга бўлган талаби.
Талаб ва таклиф динамикаси	Аввалги биржавий ва биржадан ташқари савдо сессиялари ҳажми
Сотув шарт (битим)лари шаффофлиги	Сотувчи ва инвесторнинг ноқонуний мотивацияларини аниқлаш
Битим турлари, ҳисоб-китоб шакли ва шартлари	Спот битим, олдиндан тўлиқ суммани тўлаш баҳолашга ижобий таъсир этади. Бунда пролонгация тўловни чўзиш каби салбий ҳолатлар эса баҳолаш қийматини пасайтиради.
Бозордаги битимлар динамикаси	Объектлар бўйича нархлар даражаси динамикасига вақт омили таъсирининг таҳлили
Таклифнинг ўртача нархи	Маълум муайян вақтга барча таклифлар бўйича ҳисоблаб топилган ўртача арифметик миқдор.
Талабнинг ўртача нархи	Маълум муайян вақтга барча талаблар бўйича ҳисоблаб топилган ўртача арифметик миқдор.
Битимларнинг ўртача нархи	Маълум муайян вақтга барча битимлар бўйича ҳисоблаб топилган ўртача арифметик миқдор.
Баҳолаш ва нархини белгилаш вақти	Эмитент бизнесини маълум муайян вақтда баҳолаш муҳим аҳамиятга эга, чунки у вақт ўтиши жараёнида ўзгарувчандир.
Риск	Акциядан кутиладиган даромад ва ликвидликнинг эҳтимоллий беқарорлиги.
Бозор конъюнктураси	Маълум муайян вақтда талаб ва таклифнинг нисбати.

Акциянинг бозор баҳосига таъсир этувчи омилларни статистик жиҳатдан таҳлил қилиш мақсадида қуйидаги регрессиядан фойдаланилди:

$$Y = \beta_1 X_1 + \beta_2 X_2 + \beta_3 X_3 + \beta_4 X_4 + \beta_5 X_5 + \beta_6 X_6 + \beta_7 X_7 + \theta_i + \delta_t + \varepsilon_{it}$$

Бунда Y - акциянинг бозор баҳоси ($t+1$),

X_1 - устав капиталининг рентабеллик коэффициенти;

X_2 - дивиденднинг акция номиналига нисбати;

X_3 - EPS;

X_4 -эмитентнинг ўз маблағларининг қарз маблағларига нисбати;

X_5 -умумий тўловга лаёқатлиликни қоплаш коэффициенти;

X_6 - йиллик инфляция даражаси;

X_7 - валюта курси;

θ_i ва δ_t -акциядорлик жамиятлари ҳам йиллар таъсирини ифодаловчи ўзгарувчилар.

Ушбу регрессион таҳлилни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган 6 та акциядорлик жамиятининг oreninfo.uz маълумотлар баъзаси асосида 2015 йилдан 2017 йилгача бўлган

¹⁶Манба: муаллиф томонидан тузилган.

молиявий кўрсаткичлари ҳамда World Bank расмий сайтидаги Ўзбекистонга тегишли айрим макроиктисодий кўрсаткичлардан фойдаланилди.

5-жадвал

Ўзгарувчиларнинг статистик таҳлили¹⁷

Ўзгарувчилар	Кузатувлар сони	Ўртачаси	Стандарт хатолик	Минимум	Максимум
Акциянинг бозор баҳоси	18	3322.884	3960.558	0.8	15760
Устав капиталининг рентабллик коэффиценти	18	32.189	51.06022	0.07	166.1
Дивиденднинг акция номиналига нисбати	18	13.81139	20.95518	0	68.36
EPS	18	11.33206	8.685575	1.002	27
Эмитентнинг ўз маблағларининг қарз маблағларига нисбати	18	45.924	95.70553	0.101	301.3
Умумий тўловга лаёқатлиликни қоплаш коэффиценти	18	44.08756	64.58951	0.539	175.6
Йиллик инфляция даражаси	18	8.566667	4.244581	5.6	14.4
Валюта курси	18	4693.333	2484.986	2780	8100

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, кузатувлар сони 18 тага тенг ҳамда акцияларнинг минимум ҳамда максимум қийматлари орасида катта фарқ мавжуд, бундан ташқари, устав капиталининг рентабеллик коэффиценти бўйича катта тафовутни кўришимиз мумкин. Эмитентнинг ўз маблағларининг қарз маблағларига нисбатининг ўртача миқдори деярли 46% ташкил этса, энг юқори миқдори 300%дан ошади. Деярли барча кўрсаткичларнинг минимум ва максимум миқдори орасида фарқ анчагина катта бўлиб, бу регрессион таҳлилимиз натижасининг ишончли бўлишини таъминлайди.

Регрессион таҳлилни амалга оширишга асосий эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳат мултиколлинеарлик ҳисобланади. Яъни икки ёки ундан ортиқ ўзгарувчилар бир-бирига ижобий ёки салбий корреляция бўлса, бу

¹⁷ Манба: openinfo.uz, data.worldbank.org маълумотларидан фойдаланиб муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди

тахлилимининг натижаси аниқ чиқмаслигига олиб келиши мумкин. Шу сабабли уларнинг корреляцияси кўриб чиқилди.

6-жадвал

Ўзгарувчиларнинг корреляцияси¹⁸

Ўзгарувчилар	Y	X ₁	X ₂	X ₃	X ₄	X ₅	X ₆	X ₇
Y	1.0000							
X ₁	-0.3022	1.0000						
X ₂	-0.1032	-0.2591	1.0000					
X ₃	-0.1688	0.8067	0.1783	1.0000				
X ₄	0.4463	-0.0419	-0.2080	0.0338	1.0000			
X ₅	0.4772	0.3591	-0.2444	0.3845	0.8626	1.0000		
X ₆	0.2515	0.0918	-0.0654	0.1098	-0.1331	0.0332	1.0000	
X ₇	0.2424	0.0946	-0.0629	0.1141	-0.1320	0.0340	0.9981	1.0000

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, йиллик инфляция даражаси ҳамда валюта курси ўртасидаги корреляция юқори бўлгани учун регрессион таҳлилни амалга оширишда буни инобатга оламиз ҳамда ушбу иккита ўзгарувчини алоҳида регрессияга киритган ҳолда қуйидаги 7-жадвалда таҳлил қиламиз.

Буни қуйидагича изоҳлаймиз. Айрим акциядорлик жамиятларининг EPS кўрсаткичи юқори бўлишига қарамай уларнинг дивидендларни тўлаш бўйича мажбуриятлари борлиги, яъни дивидендларни тўлиқ ёки қисман тўланмасликлари ҳам акционерлик жамиятлари акцияларининг бозор баҳоси паст бўлишига олиб келади. Ўзгарувчилардан устав капиталининг рентабллик коэффициенти, дивиденднинг акция номиналига нисбати ижобий таъсир этса, EPS ва эмитентнинг ўз маблағларининг қарз маблағларига нисбати сингари ўзгарувчилар акциянинг бозор баҳосига, аксинча, таъсир этиши аниқланди. Яъни ушбу кўрсаткичларнинг ошиши акция бозор баҳосининг пасайишига олиб келади. Биринчи моделimizни кўрадиган бўлсак, унда барча ўзгарувчилар иштирок этган, мультиколинеарность туфайли умумий тўловга лаёқатлиликни қоплаш коэффициенти акциянинг бозор баҳоси ўзгаришига таъсир этмайди, деган натижа ҳосил бўлган. Аммо иккинчи ҳамда учинчи моделлардан бир-бирига ижобий корреляция бўлган йиллик инфляция даражаси ҳамда валюта курсининг алоҳида регрессияда қўлланилиши орқали умумий тўловга лаёқатлиликни қоплаш коэффицентининг ҳам акциялар бозор баҳосига акс таъсир этиши аниқланган.

¹⁸ Манба: openinfo.uz, data.worldbank.org маълумотларидан фойдаланиб муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди

Регрессион таҳлил натижалари¹⁹

Ўзгарувчилар	Модель 1	Модель 2	Модель 3
Устав капиталнинг рентабеллик коэффициенти	198.2**	197.3*	198.3*
	(65.70)	(77.44)	(77.68)
Дивиденднинг акция номиналига нисбати	201.9*	201.7*	201.9*
	(93.16)	(92.84)	(92.16)
EPS	1,593**	1,577**	1,594**
	(529.7)	(514.0)	(510.3)
Эмитентнинг ўз маблағларининг қарз маблағларига нисбати	-127.0***	-126.4***	-127.1***
	(16.56)	(21.11)	(20.94)
Умумий тўловга лаёқатлилиқни қоплаш коэффициенти	-52.93	-53.198*	-52.9*
	(32.53)	(27.63)	(28.00)
Инфляция	8.901	83.67	
	(2,123)	(110.4)	
Валюта курси	0.129		0.144
	(3.821)		(0.199)
Ўзгармас	19,689**	19,494**	19,712**
	(6,842)	(5,121)	(5,170)
Кузатувлар сони	18	18	18
Р-квадрат	0.867	0.867	0.867
Акциядорлик жамиятлари сони	6	6	6
Стандардлаштирилган Р-квадрат	0.774	0.795	0.795
Стандарт хатоликлар даражаси *** $p < 0.01$, ** $p < 0.05$, * $p < 0.1$			

Йиллик инфляция даражаси ҳамда валюта курси каби ўзгарувчиларнинг статистик жиҳатдан таъсири йўқ деган натижага эришилди. Буни қуйидагича изоҳлашимиз мумкин. Тадқиқот йилларининг қисқалиги ҳамда 2017 йилда расмий валюта курсининг 2 баробардан ортиқ миқдорда ошганлиги сабабли регрессия натижаларига кўра, бу иккала кўрсаткич статистик жиҳатдан акцияларнинг бозор баҳосига таъсир этмайди деб баҳоланди.

Умуман олганда, тадқиқот ишида келтирилган таҳлилий натижалар ижобий бўлса-да, компаниялар акциялари баҳоловчилар томонидан юқори баҳоланаётганини, фонд биржаси томонидан эса паст нархланаётганини пайқаш мумкин. Демак, Ўзбекистон эмитентларининг акциялари қийматини адолатли қиймат ва нархини объектив деб бўлмайди. Бундай ҳолат ликвидсиз ва паст ликвидли акцияларнинг ҳажми кўплигини, Ўзбекистонда уларнинг қиймати ва нархига омиллар таъсирининг ўзгача эканлигини, демак, акциялар бозор қиймати ва нархи ўртасидаги эквивалентликнинг бузилганлигини, натижада акцияларнинг, мос равишда эмитентлар бизнесининг, бозор қийматини баҳолаш услуги мукамал эмас.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда акциялар бозор қиймати ва нархи эквивалентлигини таъминлаш йўллари**» деб номланган учинчи бобида акциялар ва улар пакети бозор қийматини баҳоланишнинг такомиллашган

¹⁹ Манба: openinfo.uz, data.worldbank.org маълумотларидан фойдаланиб муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди

услуги, акциялар қийматини баҳолаш ва бошқаришда рискларни ҳисобга олиш, бенчмаркинг ва инфорацион технологияларни қўллаш ҳамда акциялар бозор қиймати ва биржа нархи шаклланишида баҳолаш методологияси ва тизимини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилган ҳамда боб бўйича хулосалар берилган.

Ўзбекистон шароитида компанияларнинг ликвид бўлмаган ва ликвидлиги паст бўлган акциялар ва улар пакетининг адолатли қийматини баҳолашнинг такомиллашган услубини қуйида берилган алгоритм шаклида ишлаб чиқиш мумкин: 1) баҳолаш объекти танланади; 2) эмитент-компаниянинг молиявий-хўжалик фаолияти ва захиралари аудити ҳамда диагностикаси ўтказилади; 3) компания фаолиятини аудиторлик текшириш ва диагностикаси маълумотлари асосида амалга оширилади; 4) акциялар бозор қийматини баҳолаш ёндашув ва усуллари танланади; 5) танланган ҳар бир ёндашув ва усул бўйича акцияларнинг бозор қийматини аниқлашнинг тўлиқ тартиби амалга оширилади; 6) танланган ҳар бир усул бўйича олинган натижалар асосида акциялар интеграл қийматини баҳолашнинг тўлиқ тартиби амалга оширилади; 7) интеграл қиймати баҳоланган акциялар бўйича аналог пакетнинг қиймати аниқланади ва улар солиштирилиб, тегишли тузатишлар киритилади; 8) акциянинг бозор қийматига энг яқин бўлган баҳосини, мавжуд тузатишларни ҳисобга олган ҳолда акциялар пакетининг қиймати белгиланади²⁰.

Акциялар қийматини баҳолашнинг ҳозирда мавжуд бўлган барча усуллари учта тоифага ажратиб қўллаш мумкин: 1) инфляцияни ва капиталнинг жойлаштири-лиши альтернатив вариантлари самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда йўналтирилган пул маблағларидан вақт бирлиги ичида олинган даромад бўйича ҳисоблаш усуллари; 2) бир акцияга тўғри келадиган активлар улуши бўйича ҳисоблаш усуллари; 3) компанияни комплекс ифодаловчи коэффицент ва индексларни ҳисоблашга асосланган усуллар. Мавжуд усуллар акциялар (улар пакети)ни сотиб олиш мақсадига боғлиқ ҳолда танланади.

Ўзбекистон шароитида акциялар қийматини тўлиқ, аниқ ва тўғри баҳолаш учун акциялар бозори инвесторлари ва эмитентларини шартли равишда учта тоифага ажратиш мақсадга мувофиқ²¹.

²⁰Бунда тузатишнинг асосий гуруҳлари қуйидагилардан иборат: мамлакатларнинг аҳволига кўра тузатиш киритиш; тармоқларнинг ҳолатига қараб тузатиш киритиш; компаниянинг молиявий ҳолати ва бизнесининг ривожланиш истикболига қараб тузатиш киритиш.

²¹Инвестор тоифалари: АИ тоифаси – дивидендлар олиш мақсадида акцияларни сотиб олувчи инвестор, яъни пассив миноритар (индивидуал) инвестор; БИ тоифаси – нафақат дивидендлар олиш, балки компания устидан назоратга эга бўлиш ва бошқаришда иштирок этиш мақсадида акцияларни сотиб олувчи инвестор, яъни стратегик (одатда, узоқ муддатли) портфел инвестор; ВИ тоифаси – фонд бозори конъюнктураси ўзгаришига қараб акциялар бўйича курс тафовутидан фойда олиш мақсадида уларни қисқа (узоқ бўлмаган) муддатга сотиб олувчи инвестор, яъни спекулятив портфель инвестор. Эмитент тоифалари: АЭ тоифаси – акциялари ликвидсиз ёки паст ликвидли, фонд биржасининг ҳеч қандай листингига кирмаган, улар бўйича инвестиция rischi юқори бўлган, ўсувчан эмитент-компаниялар; БЭ тоифаси – акциялари ликвидли, фонд биржаси листингига кирган ва улар бўйича инвестиция rischi ўртача бўлган, барқарор ўсувчан, аммо оммавий даражага етмаган, эмитент-компаниялар; ВЭ тоифаси – акциялари фонд биржаларида “зангори фишкалар” каторига киритилган, юқори ликвидли ва инвестиция rischi паст бўлган йирик оммавий эмитент-компаниялар.

Бунда кўплаб компаниялар акцияларининг ликвидлиги паст эканлиги ва ликвид эмаслиги, натижада, жалбдорлик даражаси паст бўлганлиги сабабли уларнинг бозор қийматини баҳолашда юқорида берилган тавсия ва усуллардан ҳамда акциялар бирламчи эмиссияси самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлардан ва акцияларнинг иккиламчи бозоридаги айланмасини ифодаловчи коэффицентлардан фойдаланиш лозим. Лекин акциялар пакети қийматини баҳолаш ўз хусусиятларига эга. Чунки замонавий баҳолаш амалиётида бир-бирига ўхшаш компания ва акция пакетлари қиймати кўп ҳолларда турлича миқдорда баҳоланиши методик ёндашувларнинг тартибга солинмагани ва такомил эмаслигидан, баҳолаш натижаларида адолатлилик, демак, ишончлилик даражаси пастлигидан далолат беради. Кўп ҳолларда бир-бирига ўхшаш, қимматли қоғозлар пакетларининг нотўғри баҳоланиши, методик ёндашувлар ва улар қийматини баҳолаш жараёнининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги билан боғлиқ. Баҳолаш фаолиятида керакли малаканинг йўқлиги, баҳолашнинг алоҳида методик саволларининг тўла ишланмаганлиги баҳолаш натижаларининг объективлигига ва акциялар пакетини профессионал баҳолашга салбий таъсир кўрсатади.

Баҳолашда назоратли ва назоратсиз акциялар пакети ҳисобга олинади. Агарда қимматли қоғозлар пакети қиймати баҳоловчи томонидан аниқланса, у ҳолда асосий аниқловчи фактор бўлиб бизнес даражасининг хўжалик юритувчи субъектлар маълумотларига боғлиқлиги ҳисобланади. Сотиб олиш, сотиш, тугатилиши, қайта тиклаш (реструктуризация) ва гаров мақсадлари бўйича акциялар пакетларининг баҳолаш фарқлари мавжуд. Бу фарқлар баҳолаш натижаларини ишлатилиш шароитларининг аниқлигига боғлиқ бўлиб, қўшимча чегирмалар ёки мукофотларни назарда тутаяди.

Акциялар пакетини баҳолаш қуйидаги алгоритм бўйича амалга оширилади:

1) Фирманинг баҳоланиш қиймати кўрилатган акциялар пакетининг (100% оддий акциялар) улушига пропорционал камаяди: $V_{\text{пак}} = СК * d$, бунда:

СК – корхона бизнесини баҳолаш усулларидан бири ёрдамида баҳоланган бозор қиймати;

d – баҳоланувчи қисми;

2) Корхона устидан назорат даражасини ҳисобга олган ҳолда $V_{\text{пак}}$ кўрсаткичига ўзгартириш киритилади, инвесторга d ҳажмдаги акциялар пакетини харид қилиш орқали бериш мумкин;²²

3) Баҳоланаётган фирма акциялари ликвид ёки ликвидсизлигига боғлиқ ҳолда фирма акциялари пакети қийматининг коррективировкаси ўтказилади;

²² Бу ерда инвесторга таклиф этилаётган капиталда иштирок этишнинг назоратли ёки назоратсизлиги, харид қилинаётган пакет таркибидаги корхонанинг битта акцияси қийматига қандай таъсир этади деган савол туғилади. Хар хил баҳолаш бўйича “назорат учун мукофот” СКнинг дастлабки баҳосидан 30–40% ни ташкил қилиши мумкин.

4) Агарда баҳоланаётган фирма акциялари ликвидсиз ва фонд бозорида жойлаштирилмаган бўлса, Упак кўрсаткичининг олдинги коррективкалари натижасидан чегирма амалга оширилади.

Умуман олганда, баҳолаш – бу қийматни бошқаришга очиладиган тўғри йўл бўлганлиги сабабли, компания, унинг акциядори рисклар ва компания акциялари қийматини баҳолаш ва бошқариш ҳамда баҳолаш фаолияти сифатини ошириш, бенчмаркинг²³ ва замонавий инфор­мацион технологияларни қўллаш масалаларига эътиборни кучайтириш зарур. Бунда риск – муқаррар қарор қабул қилиш ҳолатида ноаниқ тасодифий ҳолатларни бартараф этиш билан боғлиқ фаолият бўлиб, ушбу фаолият жараёнида кутиладиган натижаларга эришиш, омадсизликлар ва мақсаддан оғишлар эҳтимолини миқдорий ва сифатий баҳолаш имкони мавжуд бўлади.²⁴ Риск ва ноаниқ тасодифий ҳолат орасидаги фарқ фақат ахборотни берилиш усулига тегишли бўлиб, бошқарилмайдиган ўзгарувчан миқдорларнинг эҳтимолий характеристикалари мавжудлиги (риск ҳолатида) ёки йўқлиги (ноаниқ тасодифий ҳолатда) билан белгиланади. Ушбу мазмунда мазкур тушунчалар операцияларни тадқиқ қилишнинг математик назариясида қўлланилиб, бунда риск мавжуд бўлганда ва ноаниқ тасодифий ҳолларда қарор қабул қилиш масалаларига ажратилади. Демак, риск (риск ҳолати) – бу ноаниқ тасодифий ҳолатнинг бир тури бўлиб, ҳодисанинг рўй бериши эҳтимолий бўлади ва уни аниқлаш мумкин, яъни фаолият жараёнида рўй бериши мумкин бўлган ҳодисалар эҳтимолини баҳолаш имконияти объектив мавжуд бўлади. Бунда риск табиатан субъектив ва объектив характерга эга. Зеро риск реал мавжуд бўлган ноаниқ ҳолларни сифатий-миқдорий ифодалаш шаклидир. Миқдорий ифодада риск компаниянинг қуйидаги кўрсаткичларининг ўзгариши деб белгиланади: келтирилган соф қиймат кўрсаткичи (NPV), даромадлиқнинг ички меъёр кўрсаткичи (IRR), қоплаш муддати кўрсаткичи (PB). Ликвидсиз ва паст ликвидли акциялар қийматини баҳолаш учун ўхшаш (аналог) компанияни бенчмаркинг асосида аниқлаш мумкин. Рақобатчи – компаниялар фаолиятининг самандорлигини баҳолаш учун молиявий барқарорлик, даромадлиқ, тўловга лаёқатлилиқ ва ишбилармон фаолияти кўрсаткичларини қўллаш мумкин²⁵. Бунда бозор акция (компания) қийматини аниқлаш тартиби қуйидагиларни камраб олади: ўхшаш компанияни танлаш; турли омилларга боғлиқ бўлган коэффицентларни аниқлаш; тўғрилаш коэффицентларини ҳисобга олган ҳолда акциялар бозор қийматини баҳолаш.

²³Бенчмаркинг – бу ўз фаолиятида бошқа компанияларнинг эришилган ижобий тажрибасини қўллаш мақсадида уларнинг фаолиятини ўрғаиш. АҚШ фирмалари бошқа етакчи хорижий компанияларнинг харажат ва товар сифатига нисбатан ўз харажатлари ва товарларининг сифатини таҳлил қилиш учун бенчмаркингни қўллайди.

²⁴Альгин А.П. Риск и его роль в общественной жизни. - М.: Мысль, 1989. -192 с.; Шапкин А.С., Шапкин В.А. Экономические и финансовые риски. Оценка, управление, портфель инвестиций. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2011. - 544 с.

²⁵Айтиш жоизки, ҳозирда бенчмаркинг асосида миллий компанияларни хорижий компаниялар фаолияти билан қиёслаш мумкин эмас, лекин келажакда бу ишларни амалга ошириш мумкин.

Компания ва унинг акциялари (жумладан, улар пакети) қийматини баҳолаш тизими қуйидаги йўналишларда кенгайтирилиши мақсадга мувофиқ:

1. Фонд биржаси эксперт комиссияси ва аналитик бўлими фаолиятида ҳолис баҳоловчи хизматидан мажбурий фойдаланиш асосида қимматли қоғозлар қийматини баҳолаш хизматлари бозори билан боғлиқликда бўлиш;

2. Акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқаруви тузилмасида ички баҳоловчи ва ҳолис инвестиция маслаҳатчиси хизматларини киритиш асосида акциялар бозори ва улар қийматини баҳолаш хизматлари бозоридаги тенденцияларнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш;

3. Акциялар бозоридаги нархлар ва улар қийматини баҳолаш хизматлари бозоридаги баҳоланган қийматларнинг бир-бирига эквивалентлигини таъминловчи бозорлараро регулятив меъёрлар киритиш.

ХУЛОСА

Диссертацион тадқиқот натижалари сифатида қуйидаги муҳим **хулосалар** ва улар таркибида илмий қарашлар ва тавсиялар берилди:

1. Акциялар бозори билан узвий боғлиқликда бўлган баҳолаш фаолияти ва хизматлари бозорининг иқтисодий мазмунига доир терминологик аппарат, назарий қарашлар ва мазкур фаолиятнинг методологик базиси турли омиллар таъсирида, айниқса, ҳар бир алоҳида олинган мамлакат шароитига мос равишда, узлуксиз такомиллашиб боради.

2. Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлса-да, лекин акциялар бозори (АБ) ва акциялар қийматини баҳолаш хизматлари бозори (АҚБХБ), мос равишда акциялар қиймати баҳоси ва нархи бозори (АБНБ), давлатнинг замонавий макроиқтисодий сиёсати талабларига тўла жавоб бера олмаяпти. Бунда АБ ва АҚБХБ макро ва микро омиллар таъсирида бир-бири билан боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳажми фарқланса-да, лекин ҳаракат тенденциялари синхрондир.

3. Ҳозирда баҳолаш фирмалари ва фонд биржаси фаолиятларида акциялар (жумладан, улар пакети) қийматини баҳолаш ва нархини шакллантириш ёндашув ва усулларидан Ўзбекистон шароитидаги реал омиллар таъсирини тўла ҳисобга олмасдан фойдаланилмоқда. Натижада, акциялар қиймати (баҳоси) ва нархи ўртасидаги фарқ анча сезиларли бўлмоқда, демак, Ўзбекистон эмитентларининг акциялари (жумладан, улар пакети) қийматини адолатли баҳо ва нархини объектив деб бўлмайди. Фикримизча, ижобий омиллар шарофати билан салбий омиллар таъсири ўрта муддатда пасайиб боради, бу эса борган сари Ўзбекистонда ликвидсиз ва паст ликвидли акциялар ҳажмининг камайишига, давомий иккиламчи бозорнинг равнақ топишига ва бундай акцияларнинг қиймати ва нархи орасидаги фарқни тўғриланишига (яъни уларнинг зарурий эквивалентлик даражасига) олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳозирда

Ўзбекистондаги акцияларнинг бозор қийматини баҳолашда адолатлилик ва эмитентлар транспарентлигини юқори даражага кўтариш мақсадида мавжуд “Бизнес қийматини баҳолаш” 9-сонли миллий стандарти ва унда берилган услуб (методика)ни такомиллаштириш ва тўлдириш зарур.

4. Ликвидсиз ва паст ликвидли акциялар фақат ички (фундаментал) қийматга эга бўлиб, бу қиймат аксарият ҳолларда мазкур акцияларнинг бозор қийматига яқин бўлган қиймат деб қабул қилиниши мумкин. Ички (фундаментал) қиймат компания-эмитентнинг ички омиллари, яъни унинг актив ва пассивлари, жорий молиявий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш аҳволи, келажакда бизнесининг ривожланиш истиқболи таъсирида шаклланади.

5. Ўзбекистондаги компанияларнинг акциялари қиймати ва нархи – бу АБНБда қийматлар орасидаги ва нархлар ўртасидаги паритетлар бўлиб, улар (қиймат ва нархлар)нинг юқори чегараси макро омиллар билан белгиланади, қуйи чегараси эса микро омиллар ва эмитентларнинг ривожланиш истиқболлари билан белгиланади.

6. Компания бизнеси, акцияларининг бозор қиймати ва нархини барқарорлик асосида максималлаштириш жараёнида уларнинг ўзаро эквивалентлигини мониторинг қилиб баҳолаб бориш ва бошқариш зарур. Чунки маълум бир вақт мобайнида турли омиллар таъсирида компания бизнеси, акциясининг қиймати ва нархи ўзгариб боради.

7. Компаниянинг фундаментал кўрсаткичлари ва акциялари бозори тенденциялари мазкур компания бизнеси ва акциялари қиймати ҳамда нархини ҳар доим ҳам тўғри, тўлиқ ва аниқ бўлавермайди. Бунда виртуал активни тўғри ва тўлиқ баҳолаш муаммо бўлмоқда.

Диссертацион тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган қуйидаги амалий таклифлар мақсадга мувофиқ:

1) акциялар қийматини баҳолашнинг ҳозирда мавжуд бўлган барча усуллари қуйидаги учта тоифага ажратиб қўллаш лозим:

инфляция ва капиталнинг жойлаштирилишининг альтернатив вариантлари самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда йўналтирилган пул маблағларидан вақт бирлиги ичида олинган даромад бўйича ҳисоблаш усуллари;

бир акцияга тўғри келадиган активлар улуши бўйича ҳисоблаш усуллари;

компанияни комплекс ифодаловчи коэффициент ва индексларни ҳисоблашга асосланган усуллар;

2) Ўзбекистон шароитида акциялар қийматини тўлиқ, аниқ ва тўғри баҳолаш учун акциялар бозори инвесторларини учта тоифага ажратиш мақсадга мувофиқ:

АИ тоифаси – дивидендлар олиш мақсадида акцияларни сотиб олувчи инвестор, яъни пассив миноритар (индивидуал) инвестор (бундай инвестор, асосан, баҳолашнинг мавжуд ёндашувларидан ва фундаментал таҳлил усулларида фойдаланади, унинг талаблари акциядорлик капитали тузилмаси кўпроқ «stakeholder capitalism» («акциялар назорат пакетини ушлаб

турувчилар» капитализми)га асосланган эмитент-компаниялар томонидан қондирилади);

БИ тоифаси – нафақат дивидендлар олиш, балки компания устидан назоратга эга бўлиш ва бошқаришда иштирок этиш мақсадида акциялар (улар пакети)ни сотиб олувчи инвестор, яъни стратегик (одатда узоқ муддатли) портфель инвестор (бундай инвестор мавжуд баҳолаш усулларида ҳамда фундаментал ва техник таҳлил усулларида бирдек фойдаланади, унинг талаблари акциядорлик капитали тузилмаси кўпроқ «stakeholder capitalism»га асосланган эмитент-компаниялар томонидан қондирилади);

ВИ тоифаси – фонд бозори конъюнктураси ўзгаришига қараб акциялар бўйича курс тафовутидан фойда олиш мақсадида уларни қисқа (узоқ бўлмаган) муддатга сотиб олувчи инвестор, яъни спекулятив портфель инвестор (бундай инвестор, асосан, спекулятив фонд бозорининг мавжуд назариялари ва техник таҳлил усулларида фойдаланади, унинг талаблари акциядорлик капитали тузилмаси ўта майдаланган очиқ ва оммавий эмитент-компаниялар томонидан қондирилади);

3) акция эмитентлари учта тоифага бўлиниши лозим:

АЭ тоифаси – акциялари ликвидсиз ёки паст ликвидли, фонд биржасининг ҳеч қандай листингига кирмаган, улар бўйича инвестиция rischi юқори бўлган, акциядорлик капитали тузилмаси «stakeholder capitalism»га асосланган ўсувчан эмитент-компаниялар;

БЭ тоифаси – акциялари ликвидли, фонд биржаси листингига кирган ва улар бўйича инвестиция rischi ўртача бўлган, барқарор ўсувчан, лекин акциядорлик капитали тузилмаси «stakeholder capitalism» ҳолатидан ўтган, аммо оммавий даражага етмаган эмитент-компаниялар;

ВЭ тоифаси – акциялари фонд биржаларида «зангори фишкалар» қаторига киритилган, юқори ликвидли ва инвестиция rischi паст бўлган йирик оммавий эмитент-компаниялар;

4) Ўзбекистон шароитида акциялар қийматини тўлиқ, аниқ, тўғри ва ишончли баҳолаш учун корпоратив эмитентларнинг транспарентлигини баҳолаш мезонига эга бўлиш ва унинг даражасини ошириш зарур, чунки инфор­мацион шаффофлик-ка эга бўлмаган компаниялар инвесторларнинг риск даражасини оширади;

5) компания ва инвесторлар фаолияти рискларини баҳолаш йўли билан акциялар қийматини баҳолаш ва бошқариш самарадорлиги оширилади. Умуман олганда, баҳолаш – бу қийматни бошқаришга очиладиган тўғри йўлдир. Амалда компания ва унинг акциядори рискларни ва компания акциялари қийматини баҳолаш ва бошқариш йўлларини ўргана бориб, ўз бизнеси қийматини рискларни ҳисобга олиб баҳолаш ва бошқариш малака­сига ҳам эга бўлиб бориш лозим;

б) бизнес ва акция қийматини баҳолаш жараёнида тадбиркорлик ва инвестиция rischi табиатини тушуниш учун риск ва фойданинг бир-бирига пропорционал боғлиқликда эканлиги ва бунда риск ва ноаниқ тасодифий

ҳолатларнинг муҳим роль ўйнаши сабабли, барча учун маълум бўлган “Ҳар қандай риск бизнес ва акция қийматини пасайтиради”, деган иборалар кучга эга. Айнан шунда тадбиркорлик ва инвестиция rischi регулятив функциясининг маҳсулли (конструктив) шакли намоён бўлади;

7) компания ва унинг акциялари қийматини баҳолаш тизими қуйидаги йўналишларда кенгайтирилиши мақсадга мувофиқ:

фонд биржаси эксперт комиссияси ва аналитик бўлими фаолиятида ҳолис баҳоловчи хизматидан мажбурий фойдаланиш асосида қимматли қоғозлар қийма-тини баҳолаш хизматлари бозори билан боғлиқликда бўлиш;

акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқаруви тузилмасида ички баҳоловчи ва ҳолис инвестиция маслаҳатчиси хизматларини киритиш асосида акциялар бозори ва улар қийматини баҳолаш хизматлари бозоридаги тенденцияларнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш;

акциялар бозоридаги нархлар ва улар қийматини баҳолаш хизматлари бозоридаги баҳоланган қийматларнинг бир-бирига эквивалентлигини таъминловчи бозорлараро регулятив меъёрлар киритиш.

8) ликвид бўлмаган ва паст ликвидли акциялар фақат ички (фундаментал) қийматга эга бўлганлиги учун мазкур қийматни уларнинг бозор қийматига яқин бўлган қиймат деб қабул қилиш ва уни акциянинг фонд бозоридаги бошланғич нархи бўлиб хизмат қилишига асос сифатида қабул қилиш.

9) акциялар бозори ва улар қийматини баҳолаш хизматлари бозорида секьюриметрик усулни қўллаш.

Диссертацион тадқиқотда берилган хулоса, тавсия ва таклифларни амалиётга жорий этиш орқали миллий иқтисодиётни либераллаштириш, модернизациялаш, омиллар таъсири ва рисклар шароитида корпоратив эмитентлар акциялари ишончли (адолатли) бозор қийматини баҳолаш ва объектив нархини шакллантиришга ҳамда акциялар қиймати ва нархи эквивалентлигини таъминлашга, акциялар баҳоси ва нархи бозорини реал иқтисодиёт билан боғлиқликдаги самарали фаолиятига эришиш мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.I.16.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ И БАНКОВСКО-
ФИНАНСОВОЙ АКАДЕМИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

КАРАБАЕВ САНЖАР АБДУСАМАТОВИЧ

**ПУТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКВИВАЛЕНТНОСТИ РЫНОЧНОЙ
СТОИМОСТИ И ЦЕНЫ АКЦИЙ**

08.00.07 – Финансы, денежное обращение и кредит

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.2.PhD/Iqt959.

Диссертация выполнена в Ташкентском финансовом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-сайте Научного совета (www.tsue.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Каримов Нарбой Ганиевич,
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Жумаев Нодир Хосиятович,
доктор экономических наук, профессор,

Нуманова Барно Мухитдиновна,
кандидат экономических наук

Ведущая организация:

**Академия государственного управления при
Президенте Республики Узбекистан**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 г. в __ часов на заседании Научного совета по присуждению ученой степени DSc.27.06.2017.I.16.03 при Ташкентском государственном экономическом университете и Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан. Адрес: 100003, Ташкент, ул. Ислама Каримова, 49. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdiu@tdiu.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного экономического университета (зарегистрирована за № __). Адрес: 100003, Ташкент, ул. Ислама Каримова, 49. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdiu@tdiu.uz

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 г.
(Реестр протокола рассылки № __ от «__» _____ 2019 г.)

А.Ш. Бекмуродов,
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
экономических наук, профессор

У.В. Гафуров,
Секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор экономических наук,
профессор

Н.Х. Жумаев,
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор экономических наук,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой практике отдельное внимание уделяется развитию акционерных обществ, считающихся основным звеном фондового рынка, расширению возможностей эффективного использования современных рыночных инструментарий. На сегодняшний день в ряде государств наблюдается резкий отрыв между ценой и рыночной стоимостью акций акционерных обществ, то есть прослеживаются случаи нарушения уровня эквивалентности. В результате этого у инвесторов возникают определенные сложности в принятии решений купли-продажи акций, не зная их истинной объективной стоимости.

Международная практика показывает высокой экономической рост в государствах (США и страны Европы), где развит рынок ценных бумаг, основными причинами этого можно указать высокий уровень транспарентности, а также относительно малое количество определенного уставного капитала акционерных обществ. Потому что уставной капитал акционерных обществ должен определяться, исходя из стоимости акций.

Например, самый меньший уставной капитал в акционерных обществах в Германии составляет 25,0 тыс. евро, во Франции – 37,0 тыс. евро, Швейцарии – 100,0 тыс. швейцарских франков, в России – 1000 минимальной заработной платы, в закрытых акционерных обществах составляет 100 минимальной заработной платы.¹

На сегодняшний день осуществляются научные исследования по вопросам обострения конкурентной среды на мировых фондовых рынках, развития рынка ценных бумаг и факторам, оказывающим влияние на расширение круга использования финансовых технологий, по привлечению дополнительных финансовых ресурсов через рынки ценных бумаг со стороны акционерных обществ. В развитых странах, в частности США и ряде стран Европы, вопрос оценки стоимости акций рассматривается в рамках их эмитента. А вопрос формирования рыночной стоимости акций рассматривается на основе правил котировки и листинга фондовых бирж.² В исследованиях, хоть и рассматривались вопросы управления и оценки бизнеса и стоимости его составной части, однако недостаточное раскрытие вопросов обеспечения эквивалентности цены и рыночной стоимости акций требует проведения научных исследований в этом вопросе.

¹ Беликова К.М., Иншакова А.О. Директивы ЕС как универсальное средство гармонизации для создания режима публичности и открытости деятельности компаний //Евразийский юридический журнал. 2010, №7 (26). С.30-35.

² Sharpe W.F. Capital Assets Prices: a Theory of Market Equilibrium under Condition of Risk // Journal of Finance, 1964, September; Сидни Коттл, Роджер Ф. Мюррей, Франк Е. Блок. “Анализ ценных бумаг” Грэма и Додда. – М.: ЗАО “Олимп-Бизнес”, 2000. – 674 с.; Шарп У., Александер Г., Бэйли Дж. Инвестиции: Пер. с англ. - М.: ИНФРА-М, 1999. - XII, 1028 с.; Баффет У. Эссе об инвестициях, корпоративных финансах и управлении компаниями/Пер. с англ.-М.: Альпина Букс, 2005. - 268 с.; Русинов В.Н. Финансовый рынок: инструменты и методы прогнозирования. - М.: Эдиториал УРСС, 2000.

В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены вопросы повышения стабильности и углубления капитализации финансового рынка через ценные бумаги, а также укрепления финансовой устойчивости и надежности акционерных обществ, разработки перспективных инвестиционных проектов, повышения, соответственно, уровня качества оценки рыночной стоимости акций эмитентов и формирование объективной рыночной цены, обеспечения эквивалентности стоимости и цены акций (в том числе пакета акций). В связи с этим, справедливая оценка рыночной стоимости и формирование объективной цены акции, являющейся важной в экономическом развитии, а также проявление в качестве финансового эквивалента бизнеса эмитента, других вопросов, связанных с оценочными подходами, требует глубокого исследования и достижения полного решения.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит осуществлению задач, определенных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан, таких как: № УП – 4947 от 7 февраля 2017 г. “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, № УП – 5635 от 17 января 2018 г.”³ “О государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год активных инвестиций и социального развития», № УП – 4720 от 24 апреля 2015 г. “О мерах по внедрению современных методов корпоративного управления в акционерных обществах”, № ПП – 2454 от 21 декабря 2015 г. “О дополнительных мерах по привлечению иностранных инвесторов в акционерные общества”, № ПП – 4160 от 5 февраля 2019 г. “О дополнительных мерах по улучшению рейтинга Республики Узбекистан в ежегодном отчете Всемирного банка и международной финансовой корпорации “Ведение бизнеса”, № ПП – 3764 от 1 июня 2018 г. “О мерах по дальнейшему развитию рынка оценочных услуг” и других нормативно-правовых документах по данной сфере.

